

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA-MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

*MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND
DAVLAT ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI*

QURILISH FAKULTETI

*“QURILISH MATERIALLARI, BUYUMLARI VA
KONSTRUKSIYALARINI ISHLAB CHIQRISH” KAFEDRASI*

DIPLOM LOYIHASI

***Mavzu:** Unumdorligi yiliga 10 mln.dona bo'lgan
plastik qoliplash usuli bilan sopol g'isht
ishlab chiqarish sexini loyihalash*

*Bajardi: 401-QMvaBICHT guruh
talabasi: Quchqorova Zebo
Reyting daftarchasi raqami:*

Rahbar: Sodiqova S.O.

Samarqand-2018 yil

KIRISH

КИРИШ

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президентининг Деворбон материаллар ишлаб чиқаришини кўпайтиришни рағбатлантириши ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарор эълон қилинган эди. Унга мувофиқ янги корхоналар барпо этиши ва ишлаб турганларини модернизация қилиши ишлаб чиқариши сарф харажатлари камайишини ҳамда тайёр маҳсулот нархини арзонлашувини таминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиққилиши ҳисобига сифатли деворбон қурилиши материаллари ишлаб чиқариши ҳажмларини кўпайтириши ва шу асосда ички бозорни шундай материаллар билан тўлдириши, уй-жойлар, айниқса қишлоқ жойларида иморат қураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “ЎзҚурилиши материаллари” акциядорлик компанияси томонидан манфаатдор идоралар ва корхоналар билан биргаликда ишлаб чиқарилган 2009-2011 йилларда пишиган гишт ишлаб чиқарувчи янги замонавий қувватларини яратиши дастури иловага мувофиқ маъқулланди 2009 йилнинг 1-июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1-январидан қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма тунелсимон ва бошқалар) дан фойдалангандан ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишиган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб фойдали қазилмаларини қазиб чиқарувчи ва ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларини сақлаб қолган ҳолда янада солиқ тўловини тўлашга ўтиши ҳуқуқи берлади.

2010 йилнинг 1-январидан бошлаб ностандарт, тежайсиз печларини махсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштириши, шунингдек белгиланган солиштирма сарф нормаларидан ортиқча ҳажмда табиий газдан

фойдаланаётган пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга таббий газ амалдаги улгуржи нархда берилади.

Тижорат банкларига пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирган ҳолда модернизасияни амалга ошириши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириши ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кридетлар ажратиши тавзия қилинган.

Қуришда металл сарфини тежаши, девор-тўсиқларнинг иссиқлик ўтказув чанлигини камайтиришда оддий пишган гишт ва бошқа саполдан бўлган деворбоп буюмларнинг ўрни аҳамиятлидир. Кенг миқёсидаги типовой қурилиш кўплаб миқдорда стандарт кўринишидаги, кранлар ёрдамида монтаж қилинадиган буюмларни тайёрлашни талаб этади.

Темирбетон барча афзалликларига шу жумладан индустриаллигига қарамасдан қурилиш ишлаб чиқаришдан майда ўлчамли оддий пишган гиштни сиқиб чиқара олмади. Рақамлар таҳлил қилинадиган бўлса, деворбоп буюмларнинг 60 % кўпроқ қисмини гишт ташкил этади. Гишт заводлари ҳозирги кунда кўпроқ оддий пишган гишт ишлаб чиқарилмоқда.

Албатта майда буюм сифатида гиштнинг ҳам ўз камчиликлари ҳам бор айниқса, ишчи кучи кам бўлган жойларда уни ишлатишнинг самарадорлиги ва ҳажми камаяди. Юқори қаватли биноларни қуришда гиштнинг афзалликлари ҳам қаватли ва типовой бўлмаган биноларни қуришдагидек бўлмайди. Чунки бу ҳолда кўп қаватли биноларни қуришда қурилиш муддатлари чўзилиб кетади. Типовой бўлмаган биноларни қуришда узоқ, бориши қийин бўлган қишлоқ шароитларида юк кўтарувчи кранлар етишмаган шароитларида ҳам кам қаватли биноларни қуришда гишдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Гиштни тайёрлаш учун хом ашёнинг тарқалганлигини ҳам этиборга олиши керак. Шунинг учун ҳам гишт маҳаллий қурилиш материали ҳисобланади. Заводдан қурилиш объектигача бўлган транспорт харажатларининг камайиши ҳам унинг иқтисодий афзалликларидан бўла олади. Сопол буюмлар ўзининг афзалликлари туфайли инсон ҳаётидан жуда кенг ўрин олган. Сопол

буюмларни фақат конструкцион деворбоп материал сифатида катта ҳажмда ишлатишни тежамли иш юритиш деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай хом ашё ресурсларини чексиз деб бўлмайди бу бойликни ўйламасдан сарфлайвериш узоқни кўролмаслик бўлади. Хулоса қилиб айтганда гиштнинг самарадор яъни енгил ковакли тежамли турларини ишлаб чиқариш ва ишлатишида аҳамият бериш керак. Сопол буюмларнинг сифатини ва иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилаш керак.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида қурилишни ривожлантириш, бунинг учун кўп йиллик, чидамли, арзон, қулай, самарадор, материаллар ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари қишлоқ жойларига замон талабларига жавоб бера оладиган қулай, шинам ва замонавий уй жойлар қурилишида пишиган гиштга бўлган талаб кундан кунга ортиб бормоқда.

Юқорида келтирилганларга асосланиб маҳаллий қурилишига материалларга бўлган эҳтиёжни хом ашё базасининг кўплигини ҳисобга олиб қишлоқ ва шаҳар қурилишларини талабларига жавоб бера оладиган материалларидан бири сопол гишт деб ҳисоблаймиз ва уни ишлаб чиқарадиган корхонани лойиҳалаштириш мавзусида диплом лойиҳасини бажариш долзарб вазифа деб хулоса қилиш мумкин.

***XOM ASHYO VA
TAYYOR MAHSULOT
XARAKTERISTIKASI***

2.1. ХОМ АШЁ ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Гилтуироқ. Сопол буюмлар олиши учун асосий хом ашё сифатида гилтупроқ, диатомит, трепел каби тоғ жинслари ишлатилади. Булардан ташқари, тоза оксидлар ишлатилади. Гилтупроқ-нинг хоссаларини яхшилаш мақсадида ҳар хил қўшимчалар қўлланилади. Буларга пластиликни камайтирадиган ва оширади-ган, говак ҳосил қиладиган, эриш хароратини пасайтирадиган қўшимчалар киради.

Гилтупроқ деб, сув билан аралаштирганда пластик хамир ҳосил қиладиган, пиширгандан кейин тошсимон хрлатга ўтадиган табиий чўкинди тоғ жинсларига айтилади. Гилту-проклар таркибида дала шпати бўлган тоғ жинсларининг емири-лиши натижасида ҳосил бўлган. (Масалан: гранитлар, гнейслар, порфирлар ва бошқалар). Кимёвий таркибига кўра гилтупроқлар сувли алюмосиликатлар бўлиб, қуйидаги умумий формула билан ифодаланади.



Гилтупроқнинг минералогик таркиби қуйидагилардан иборат:

Каолинит - $Al_2O_3 \cdot 2SiO_2 \cdot 2H_2O$ - заррачаларининг ўлчами 0,01 мм дан кичик бўлиб қиздирганда таркибидаги сув тез ажралади. Каолинитли гилтупроқлардан сопол масса тайёрлашда кам сув талаб қилинади, улардан тайёрланган буюмларни қуриштиш осон, пишириш давомидаги кичрайиши кам, пиширилган буюмлар-нинг ранги ок бўлади.

Таркиби асосан каолинит минералидан иборат бўлган гилтупроқ каолин деб аталади.

Гилтупроқ таркибида каолинитдан ташқари монтмориллонит - $Al_2O_3 \cdot 4SiO_2 \cdot nH_2O$, галлузит - $Al_2O_3 \cdot 2SiO_2 \cdot 4H_2O$, бейделлит $Al_2O_3 \cdot 3SiO_2 \cdot nH_2O$, гидрослюда каби минераллар бор.

Гилтупроқ заррачаларининг ўлчами 0,005 мм дан кичик бўлиб, унинг майинлиги пластиклик ва бошқа хоссаларига таъсир қиладди. Юқори пластик гилтупроқларда ўлчамлари 0,005 мм дан кичик бўлган заррачаларнинг миқдори 80-90% га етади.

Гил хосил килувчи минераллар билан бир қаторда, гилтупроқ таркибида ҳар хил қўшимчалар ҳам учрайди: булар кварц, дала шпати кальций ва магний карбонатлари, темир оксидлари, органик бирик'малар ва ҳоказо. Бу қўшимчалар сопол ашёларнинг хоссаларига таъсир қилади. Масалан, гилтупроқ таркибидаги кальций карбонат ва темир оксидлари майда ва бирдай тарқалган бўлса, улар гилтупроқнинг пишириш ҳароратини па-сайтиради. Агар гилтупроқ таркибида кальций карбонатнинг йирик зааралари бўлса, сопол буюмларни пишириш жараёнида улар парчаланиб, СаО хосил килади. СаО сув билан бирикиб, ўз х.ажмини кенгайтиради ва сопол буюмларда ёриқлар бўлишига олиб келади. Гилтупроқ таркибидаги темир оксидлари пиширилган буюмларга кизил ранг беради. Умуман гилтупроқнинг ранги ҳар хил: оқ, қизил, яшил, кора, кулранг тусларда бўлиб, унинг ранги таркибидаги минерал ва органик бирикмалар миқдорига боғлиқ.

Бентонит деб, таркибида монтмориллонит кўп бўлган юқори дисперс гилтупроқли жинсларга айтилади. Уларда ўлчамлари 0,001 мм дан кичик бўлган заррачаларнинг миқдори 80-90% га етади.

Қўшимчалар. Гилтупроқ ва ундан тайёрланадиган сопол буюмларни керакли хоссаларга эга бўлишини таъминлаш учун сопол буюмлар ишлаб чиқаришида гилтупроққа ҳар хил қўшим-чалар қўшилади.

Пластикликни камайтирадиган қўшимчалар - сопол буюмларни куриштиш ва пиширишида киришишини камайтириш учун, буюмларда деформация ва ёриқлар бўлишини олдини олиш учун ишлатилади. Бу қўшимчаларга дегидратланган гилтупроқ, шамот, шлаклар, кул, кварц кум киради.

Говак хосил киладиган қўшимчалар. Булар говаклиги катта бўлган ва иссиқ ўтказувчанлиги кичик бўлган енгил сопол буюмлар олиш учун ишлатилади. Бу мақсадда пишириш давомида ўзидан газ ажратиб чиқарадиган моддалар (масалан бўр, доломит кабилар СО₂ газини ажратади), ёки ёнадиган қўшимчалар ишлатилади.

Пишириш ҳароратини пасайтириш учун қўшимчалар сифатида дала шпати, темир рудаси, доломит, магнезит, тальк кабилар ишлатилади.

Сопол буюмлар олиши учун ишлатиладиган гилтупроқлар куйидаги асосий хоссалар билан характерланади: пластиклик, боғлаш хусусияти, қуритиш ва пиширишда киришиши, ўтга чи-дамлилиги.

Пластиклик - лойнинг ташки кучлар таъсмида ёрилмасдан \J берилган шаклни олиши ва шу шаклни сақлаб қолиши хусусияти-дир. Гилтупроқдан тайёрланадиган буюмларнинг қрилиши имкониятлари шу хоссага асосланган.

Қуруқ гилтупроқ сув билан аралашганда сувнинг молекула-лари гилтупроқни ташкил қиладиган минералларнинг заррача-ларига сингиб, уларнинг сиртида сувнинг юпқа қаватларини ҳосил қилади (2.1-раем) ва гилтупроқ зарралари кўпчиди. Бу сув қаватлари лойнинг силжиши хусусиятини оширади ва у яхши қолипланадиган пластик хусусиятга эга бўлади.

Гилтупроқнинг боғлаш хусусияти деб унча пластик бўлма-/ ган ашёларни (қум, шамот) боғлаш ва қуритгандан кейин етарли мустаҳкамликка эга бўлган хом буюмни ҳосил қилиши хоссасига айтилади.

Гилтупроқнинг ҳавода киришиши деб, қолипланган буюмларнинг қуритиши жараёнида чизикли ўлчамлари ва ҳажмини кичрайишига айтилади. Қуритиши давомида буюм таркибидаги сув бугланади, гилтупроқ заррачалари атрофидаги сув қо-биқларининг қалинлиги камаяди, натижада заррачалар бири-бирига яқинлашиб ҳавода киришиши рўй беради. Ҳавода кири-шиши буюмни қуритишидан олдинги ўлчамларига нисбатан % ларда ифодаланади.

Таркибидаги майин заррачаларнинг миқдорига қараб, ҳар хил гилтупроқлар учун чизикли ҳавода киришиши 2-3 % дан 10-12% гача ўзгаради. Киришишни камайтириши учун гилтупроққа пла-стикликни камайтирадиган қўшимчалар қўшилади. Актив юзали қўшимчалар қўшиши (0,05-2 % микдорида) йўли билан лойнинг талаб қилинадиган намлигини камайтириши ва ҳавода киришишини қисқартириши мумкин.

Гилтупроқнинг оловда киришиши деб, пишириши жараёнида буюмларнинг чизикли ўлчамлари ва ҳажмини ўзгаришига айтилади. Пишириши давомида гилтупроқ таркибидаги тез эрувчан бирикмалар суюқ ҳолатга ўтади

ва эримаган заррачаларни ўраб олиб улар орасидаги бўшлиқни қисман тўлдиради. Бир қисм гилтупроқнинг эриши ва суюқ фаза юзасига кучланиш таъсир қилиниши натижасида гилтупроқнинг қаттиқ заррачалари бир-бирига яқинлашиб буюмнинг ҳажмини камайтиради, яъни оловда киришиши рўй беради.

Агар гилтупроқ таркибида кварц қум кўп бўлса, киришиши бўлмайди, аксинча ашё кенгаяди. Бунинг сабаби, қиздириши давомида кварцнинг бошқа кристалл шаклга киришиши ва ўз ҳажми-ни кенгайтиришидир. Гилтупроқнинг олов таъсирида киришиши 2-6% га тенг бўлиб, бу кўрсаткич гилтупроқнинг турига боғлиқ.

Ҳавода ва оловда киришиши қийматларининг йигиндиси тўлиқ киришиши деб аталади ва 5-18 % ни ташкил қилади. Бе-рилган ўлчамдаги сопол буюмлар тайёрлаш учун қолиплаш пай-тида тўла киришишни ҳисобга олиш керак, яъни қолиплана-диган буюмнинг ўлчамларини каттароқ олиш керак.

Ўтга чидамлик - гилтупроқнинг юқори ҳарорат таъсирида деформацияланмасдан бардош бериши хоссасидир. Ўтга чидам-лилигига кўра гилтупроқ уч гуруҳга бўлинади: ўтга чидамли (эриши ҳарорати 1580 дан юқори), қийин эрийдиган (1350-1580°C) ва осон эрийдиган (1350° С дан паст) гилтупроқ.

Ўтга чидамли гилтупроқларга таркибида аралашмалар кам бўлган каолинитли гилтупроқлар киради. Булар ўтга чидамли, гишт, чинни, фаянс буюмлар тайёрлаш учун ишлатилади. Қийин эрийдиган гилтупроқлар таркибида темир оксидлари, кварц қум ва бошқа аралашмалар кўп бўлади. Булар пардозбон гишт, пол учун ишлатиладиган плиткалар, канализация қувурлари ишлаб чиқаришида фойдаланилади. Осон эрийдиган илтупроқларнинг минералогик таркиби ҳар хил бўлиб, уларда аралашмалар кўп бўлади. Булар гишт, ичи бўш сопол тошлар, черепица, енгил тўлдирувчилар ва бошқа қурилиш буюмлари тайёрлашда ишлатилади.

Деворбон сопол буюмлар бутун деворбон ашёларнинг 50% дан кўпини ташкил қилади.

Деворбон сопол буюмларга оддий сопол гишт билан бир каторда ичи ковакли гишт, енгил, говак гишт, ичи ковакли сопол тошлар ҳамда, гишдан тайёрланган тайёр деворбон панеллар киради.

Ўртача зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлик хоссаларига кўра деворбон сопол буюмлар 3 гуруҳга бўлинади.

Деворбон сопол буюмларнинг самарадорлигига кўра синфларга бўлиниши

<i>Самарадорлик даражаси</i>	<i>Ўртача зичлиги, кг/м³</i>	
	<i>Гиштлар</i>	<i>Сопол тошлар</i>
<i>Оддий пишиқ гишт</i>	<i>1600 данюқори</i>	<i>-</i>
<i>Шартли-самарадор</i>	<i>1400-1600</i>	<i>1450-1600</i>
<i>Самарадор</i>	<i>140 гача</i>	<i>1450 гача</i>

Самарадор сопол буюмларнинг ўртача зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги оддий пишиқ гишдан кичик. Уларнинг мус-тахкамлиги етарли даражада бўлиб, ўлчамлари оддий пишиқ гишдан катта. Самарадор сопол буюмларни ишлатиши деворбон қурилмаларнинг қалинлиги ва массасини, сопол ашё ва қурилиш қоришмаларининг сарфини камайитириши ва қурилишни таннархини арзонлаштириши имкониятларини беради.

Деворбон сопол буюмлар ўзининг говаклиги билан характер-ланади. Уларнинг сув шимувчанлиги буюмларнинг тури ва мар-касига қараб 6-8% дан кам бўлмаслиги керак. Сув шимувчанлиги бундан паст бўлган сопол ашёларнинг говаклиги етарли бўлмайди, иссиқ ўтказувчанлиги катта бўлади ва у қоришма билан яхши ёпишмайди.

Оддий пишиқ гишт. Гишт осон эрийдиган гилтупроқдан пластик крлиплаш ёки ярим қуруқ пресслаш усули билан олинади.

Гишт тўғри бурчакли параллелепед шаклида бўлиб қирра-лари текис бўлиши керак. Гиштнинг ўлчамлари 250x120x65 мм ёки 250x120x88 мм бўлади. Қалинлиги 88 мм ли гишт модуль гишт деб аталади. Унинг массаси 4 кг дан ошмаслиги керак, шу-нинг учун тешикли қилиб чиқарилади.


Сиқилишидаги ва эгилишидаги мустаҳкамлик чегарасига кўра оддий пишиқ гишт маркаларга бўлинади. Унинг маркалари М 75, 150, 150, 250, 300 гиштнинг

ўртача зичлиги 1600-1700 кг/м³, иссиқ ўтказувчанлик коэффициентта 0,7-0,82 Вт/м-⁰С сув шимувчанлиги маркаси М 150 гача бўлган гиштлар учун 8 % дан, мар-каси М 150 дан юқори бўлган гиштлар учун эса 6 % дан кам бўлмаслиги керак. Гиштнинг сув шимувчанлиги унинг зоваклигини характерлайди. Агар гиштнинг сув шимувчанлиги юқорида кўрсатилганлардан кам бўлса, унинг иссиқлик ўтказувчанлиги кўп бўлади ва у қурилиш қорешмалари билан яхши ётишмайди.


Совуққа чидамлилигига кўра гишт 4 хил маркага бўлинади F-15, 25, 35, 50. Гишт нормал даражада пиширилган бўлиши керак. "Чала пиширилган" гишт оч қизил рангда, мустаҳкамлиги, совуққа ва сувга чидамлилиги паст бўлади. "Ҳаддан ташқари" пиширилган гиштнинг зичлиги ва иссиқ ўтказувчанлиги катга бўлади. Ташиқи нуқсонлари ва ўлчамларига кўра гишт маълум стандарт талабларига жавоб бериши керак.

Пишиқ гишт асосан бинонинг деворларида, йиғма деворбон панеллар олишиди хумдонлар ва муриларда (ҳарорати гиштнинг пишириши ҳаракатидан гоқори бўлмаган жойлар) ишлатилади.

a) 250x120x65



b) 250x120x88



Хом ашё сифатида лёсс тупроқ ва бентонит олинади.

Лёсс – сочилувчан тоғ жинси бўлиб, карбонатлар миқдори кўп. Аллювий оксидини миқдorigа кўра нордон гуруҳга киради. Лёсс тез эрийдиган кам пластик, қуритишга тасирчанлиги паст, таркибида йирик заррачалар кўп.

Пластиклик сони 9, пишириш ҳарорати 1050-1100⁰С, интервали 50-60⁰С. Донадорлик таркибидаги йирик донадор хом ашё кимёвий таркиби қуйидаги жадвалда келтирилган (лёсс тупроқ учун)

<i>Таркиби</i>	<i>SiO₂</i>	<i>Al₂O₃</i>	<i>FeO₃</i>	<i>CaO</i>	<i>MgO</i>	<i>SO₃</i>	<i>TiO₂</i>	<i>Na₂O</i>	<i>K₂O</i>	<i>CO₂</i>	<i>Сумма</i>
<i>Миқдори</i>	57,92	11,84	5,17	15,5	3,67	1,33	0,75	1,62	2,31	9,14	100

Хом ашёнинг пластиклигини ошириш ва гиштнинг хоссаларини яхшилаш учун Лёсс тупроққа 10% Гилтупроқ қўшилади.

Гилтупроқ- Каттақўрғон конларидан олинadиган гилтупроқ асосан монтмориллонитли тупроқ бўлиб, карбонатли жинслар аралашган. Унинг кимёвий таркиби жадвалда келтирилган жадваллардан кўринадикки унинг кимёвий таркибидаги глинозём ва кремнезем ўртача қийматга эга. Ранги оч ва кулранг, унинг кимёвий таркиби қуйидаги жадвалда келтирилган.

<i>Хом ашёнинг номи</i>	<i>SiO₂</i>	<i>Al₂O₃</i>	<i>Fe₂O₃</i>	<i>CaO</i>	<i>MgO</i>	<i>K₂O</i>	<i>Na₂O</i>	<i>SO₃</i>
<i>Гилтупроқ</i>	58.9	7.12	4.9	2.79	0.41	2.08	1.71	2.88

Хом ашёнинг донадорлик таркиби

<i>Хом ашёнинг номи</i>	<i>Зарраларнинг миқдори</i>						<i>Сумма</i>
	<i>>0.2</i>	<i>0.25-0.05</i>	<i>0.05-0.01</i>	<i>0.01-0.005</i>	<i>0.005-0.001</i>	<i><0.00</i>	
<i>Лёсс тупроқ</i>	5	2.03	51.09	13.05	16.28	16.97	100

Тайёр маҳсулот номенклатураси ва уларга бўлган талаблар

Корхонанинг йиллик унумдорлиги вазифага кўра 23 млн.дона/йилига сопол гишт ишлаб чиқариши. У 2 хил маркада чиқарилиши мўлжалланган. Булар қуйидагича тақсимланади.

<i>Маҳсулотнинг номи</i>	<i>Ўлчами мм</i>	<i>Маркаси</i>	<i>Миқдори</i>	
			<i>%</i>	<i>Дона йилига</i>
<i>Сопол гишт</i>	<i>250x120x65</i>	<i>M75</i>	<i>70</i>	<i>16 100 000</i>
		<i>M100</i>	<i>30</i>	<i>6 900 000</i>
<i>Жами</i>				<i>23 000 000</i>

Маҳсулот сифатини назорат қилиши

Тайёр маҳсулотнинг сифати лабораторияларда синаб кўриб аниқланади. Бунинг учун ҳар бир партия гишtdан намуналар олиниб, ДАСТ га кўра уларнинг ҳамма хоссалари аниқланади яни уларнинг маркаси, сув шимувчанлиги, совуққа чидамлилиги, ташқи нуқсонлари аниқланади. Шундан сўнг гиштнинг сифати ҳақида хулоса қилинади.

***MAHSULOT ISHLAB
CHIQRISHNING FIZIK
KIMYOVIY ASOSLARI***

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг физик кимёвий асослари

Деворбоп сопол буюмлар ишлаб чиқаришда асосий физик-кимёвий жараёнлар қуритиш ва пишириш давомида содир бўлади. Бунда қуритиш жараёнида фақат физик ўрганишлар рўй беради. Пишириш жараёни эса ҳам физик ҳам кимёвий ўзгаришлар содир бўлади, улар маҳсулотнинг сифатига таъсир қилади.

Қуритиш шарт шароитлари. Пиширишдан олдин сопол буюмлар қуритилади. Қуритиш - сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясида жуда масъулиятли давр бўлиб, у тўғри олиб борилмаса буюмда ёриқлар ҳосил бўлиши мумкин. Одатда буюмлар 5-6% намликкача қуритилади.

Деворбоп сопол буюмларни қолиплаш намлиги 18-22% (чет элда 14-16% намлик билан қолиплайдиган пресслар бор). Қуритиш жараёнида иложли бориши қисқароқ муддатда қуритиладиган кам энергия сарф бўладиган, маҳсулот сифати юқори бўлишини таъминлайдиган режими қабул қилиниши керак.

Қуритиш жараёни 3 босқичдан иборат бўлиб:

- 1. Намлик буюмнинг ичидан юзасига чиқади. (ички диффузия)*
- 2. Сув юзадан буғланади ва атрофидаги ҳавога сингади. (ташқи диффузия)*
- 3. Намлик қуритилаётган бўшлиқдан чиқиб кетади.*

Сопол буюмларни қуритиш жараёни ашё таркибидаги боғланган сувнинг турига ва қуритиш режимига боғлиқ. Қуритиш давомида энг аввал капилляр найчалардаги механик сув ажралади, сўнгра ашёнинг ички каватидаги мураккаб бириккан сувлар аста-секин ажралади. Натижада заррачалар орасидаги масофа қисқариб, ашёнинг ўлчамлари ва ҳажми кичраяди. Бундай киришишлар ашёнинг ички ва ташқи қисмларида ҳар хил бўлиб, маълум кучланишлар пайдо бўлади ва бу ашёни ёришишига сабаб бўлиши мумкин. Айниқса қуритишнинг бошланғич даври мураккаб бўлиб, бунда механик бириккан (капилляр) сув ажралади, кичрайиши тез боради.

Киришини камайтириш ва ашёни ёрилишдан сақлаш учун пластик тупроқларга пластикликни камайтирадиган қўшимчалар қўшилади, улар гилтупроқ зарраларининг бир-бирига жипсла-шишига тўсқинлик қилиб, ашёнинг зоваклигини оширади, натижада ашёнинг ички қаватларидаги сув юзага чиқиб қуритиш тезлашади ва киришини камаяди.

Сопол буюмлар ишлаб чиқаришда тун-нелли ёки камерали қуритгичлар ишлатилади. Туннелли қурит-гичлар кўпинча гиштларни қуритишда қўлланилади, улар қара-ма-қарши оқим принцигига асосланган. Қолипланган буюмлар вагончаларда туннел бўйлаб ҳаракат қилади, қарама-қарши томондан иссиқ газ ёки қиздирилган ҳаво берилади ва унинг таъсирида буюм қурийдди. (2.5-расм) Туннелли қуритгичларда қуритиш жараёни 16 соатдан 36 соатгача бўлиши мумкин. Исит-гич газларнинг бошлангич ҳарорати 120-150°C.

Камерали қуритгичлар бир неча камералардан иборат бўлиб, ҳар бир камера иссиқ ҳаво ёки печлардан чиқаётган исски газлар билан қиздирилади.

Пишириш - сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясида яқунловчи ва муҳим босқичдир. Пишириш учун сарф бўладиган харажатлар маҳсулот таннархининг 35-40 % ни ташкил қилади.

Пишириш жараёнида сопол буюмларнинг энг асосий хоссалари шаклланади. Булар мустаҳкамлик, зичлик ва сувга чидамлилиқ ҳисобланади. Пишириш нотўғри олиб борилса брак маҳсулотлар чиқади. Юқори ҳарорат таъсирида бир катор физик кимёвий ўзгаришлар бўлиб, ҳар хил минераллар ҳосил бўладиган асосий кристаллардан бири муллит ($3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$) бўлиб у 1000-1200°C да ҳосил бўлади, иккинчи минерал анорит $CaO \cdot Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$ у асосий мустаҳкамлик хоссасини беради.

Қиздириш бошланганда ҳарорат 110°C гача бўлганда эркин бириккан сув ажралиб, сопол масса пластиклигини йўқотади. Ҳарорат кўтарилиб 500-700°C га етганда органик қўшимчалар ёниб кетади, гилтупроқ таркибидаги кимёвий бириккан сув парчланади, сопол масса пластиклик хоссасини бутунлай йўқотади. Ҳарорат кўтарилган сари гилтупроқ минераллари парчланиб, кристалл панжаралари бузилади ва аморф шаклдаги Al_2O_3 ва SiO_2 ҳосил бўлади. Ҳарорат 1000°C га етганда қаттиқ фазада бўладиган реакциялар

натижасида янги кристалл моддалар, масалан силлиманит $Al_2O_3SiO_2$ ҳосил бўлади, кейинчалик ҳарорат $1200-1300^\circ C$ га етганда у муллитга $3Al_2O_3-2SiO_2$ айланади. Шу билан бир қаторда сопол масса таркибидаги тез эрийдиган бирикмалар ва қўшимчалар эриб маълум миқдорда суюқ фаза ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган эритма сопол масса заррачаларини бириктириб, улар орасидаги зовакларни тўлдиради, заррачалар бир-бирига жипслашиб зичлиги ошади. Совугандан кейин тошсимон ашё ҳосил булади. Бу жараён пишириш деб аталади. Пишириш натижасида ашёнинг зичлиги ошиб, очиқ зоваклар камаяди.

Сопол ашёнинг пиширилганлик даражаси сув шимувчанлик орқали назорат қилинади. Сопол буюмларни пишириш туннели ёки айланма хумдонларда олиб борилади. Тунелли хумдон узун йўлақлардан иборат бўлиб, ички томони ўтта чидамли ашё билан қопланади. Сопол буюмлар вагонларда хумдон бўйлаб аста-секин ҳаракат қилиб қиздириш, пишириш, совўтиш зоналаридан ўтади. Тайёр маҳсулот совўтиш зонасидан кейин хумдондан вагончаларда чиқариб олинади. Пишириш ҳарорати ашёнинг тури-га қараб ҳар хил бўлади. Фиш ва бошқа деворбон сопол ашёлар $950-1000^\circ C$ ҳароратда пиширилади.

Совўтиш жараёни аста секин олиб борилиши керак. Пишириш режими деб пишириш температураси ва пишириш ваъти орасидаги боғланишга айтилади.

Пишириш жараёнини 3 даврга бўлиш мумкин:

1. Максимал ҳароватгача қиздириш
2. Ҳароратни сақлаш
3. Совўтиш

Ҳар бир давр учун алоҳида режим танланади. Қиздириш пайтида ҳароратнинг ўзгариши тезлиги шундай бўлиши керакки буюмларда ёриқлар бўлишига йўл қўйилмаслик керак.

Пишириш харорати ошиб кетса, буюмларнинг юзаси эрий бошлайди ва шакли ўзгаради. Пишириш харорати етарли бўлмаса, буюмлар чала пишиган

бўлади, уларнинг мустаҳкамлиги, сувга, совуққа чидамлилиги камаяди. Пиширилгандан кейин сопол буюмларнинг хоссалари синаб кўрилади ва стандарт талабига мувофиқлиги аниқланади.

ISHLAB
CHIQRISHNING
TEXNOLOGIK TIZIMI
VA UNING TARIFI

Ишлаб чиқаришнинг технологик тизими ва унинг тарифи

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг турига ва хом ашёнинг хоссаларига кўра сопол буюмлар уч хил усулда ишлаб чиқарилади: пластик қолиплаш усули, ярим қуруқ ёки қуруқ пресслаш, қўйма (шлинкер) усул.

Вазифа бўйича пластик қолиплаш усули берилган. Бу усулда табиий намликдаги ёки олдиндан қуритилган хом ашё сув билан аралаштирилиб лой хаамири хосил қилинади. Лойнинг намлиги 18-25%. Тайёрланган лой қолиплаш учун лентали прессга юборилади. Лентали пресслар оддий ёки вакуум камерали бўлади. Вакуум ёрдамида қолиплашда лой таркибидаги ҳаво сўриб олинади.

Натижада тупроқ зарралари ўзаро жипслашиб лойнинг бир текисда бўлиниши ва яхши қолипланишини тامينлайди, буюмларнинг мустаҳкамлиги ошади.

Пресдан мундштук орқали чиқаётган қолипланган масса махсус пичоқлар ёрдамида керакли ўлчамда кесилади. Пластик қолиплаш усули кўпинча сопол гишт, ичи бўш гишт ва тошлар черепитца буюмлари ишлаб чиқаришда кенг тарқалган.

Сопол буюмлар ишлаб чиқариш техно-логияси қўидаги босқичлардан иборат: хом ашёларни қазиб олиш, уларга механик ишлов бериш, буюмларни қолиплаш, қуритиш ва пишириш.

Гилтупроқ карьерларда очиқ усулда экскаваторлар срдамида қазиб олинади ва автомобиль транспорти ёрдамида корхонага юборилади. Одатда карьердан қазиб олинган гилтупроқ сопол буюмлар олиш учун яроқсиз.

Шунинг учун ҳар қандай сопол ашёни ишлаб чиқариш технологияси сопол массани тайёрлашдан бошла-нади, яъни гилтупроққа механик ишлов берилади. Бу босқичда ишлов беришдан мақсад гилтупроқнинг табиий тузилишини бузиш, унинг таркибидаги тошлар ва хар хил зарарли қўшимчаларни ажратиш, йирик бўлакларни майдалаш, сопол массани бир хил гамоген ҳолга келтиришдан иборат.

Хом ашё автотранспорт ёрдамида карерлардан омборларга келтирилади. Омбордан эксковатор ва лентали конвейр орқали яшикли

ўлчагичларга узатилади. Бу бўлимда 2 та ўлчагич ўрнатилган бўлиб, бири лёсс, иккинчиси эса гил тупроқ учун мўлжалланган керакли миқдорда ўлчанган хом ашё лентали конвейр орқали бош ишлаб чиқариш корпусига узатилади.

Бош ишлаб чиқариш корпусида хом ашё қўйидаги технологик линия бўйича қайта ишланади. Лёсс ва гилтупроқ аралашмаси йирик майдалайдиган валикли майдалагичларга тушади, унда майдаланиб, тошлари ажралади. Сўнгра лентали конвейр орқали аралашма майин майдалайдиган валикли майдалагичларга узатилади.

Валиклардан чиққан хом ашё аралаштиргичларга узатилади ва сув билан аралаштирилади. Улар 2 та бўлиб кетма кет жойлашган. Биринчи аралаштиргичда хом ашё аралаштирилиб умумий талаб қилинадиган сувнинг 20 % қўшилади. Иккинчи аралаштиргичда қолган 80% сув қўшилиб аралаштирилади.

Бир текисда аралаштирилган сопол масса конвейр ёрдамида вакуум прессга узатилади, бунда масса қўшимча иссиқ сув билан намланади. Прессда сопол масса қолипланиб узун брус шаклида чиқади ва кесувчи автомат пичоқларга тушади, бунда у гиштўлчамларига қирқилиб, қуришти вагонларига жойлаштирилади.

Қолиплаш вақтида 4.5% гача чиқинди ҳосил бўлиши мумкин, бу чиқинди ҳосил бўлиши мумкин, бу чиқиндилар конвейр ёрдамида валикли майдалагичга узатилади.

Гишт жойлаштирилган қуришти вагонлари автомат итаргич ёрдамида тунелли қуригичларга узатилади. Гиштни қуришти тунелли қуригичларда олиб борилади.

Берилган унумдорликни таъминлаш учун 9 та тунел олинади. (1 қўшимча билан) Тунелли қуригичнинг узунлиги 42 м. Қуришти муддати 36 соат қолипланган гиштнинг намлиги 19%, қурилган гиштнинг намлиги 4%, қуришти манбаи сифатида пишириш хумдонларидан олиннадиган иссиқ ҳаво тутунли газлар ишлатилади.

Уларни узатиш учун вентилятор қабул қилинган. Қуритилган гишт терилган вагонлар электро узатгич ёрдамида қайта юклаш бўлимига узатилади. Бу ерда автоматлар ёрдамида хом ашё гишт қуритиш вагонларидан пишириш вагонларига жойлаштирилади.

Қуритиш жараёнида ҳосил бўлган чиқиндилар вақт вақти билан олиниб масса тайёрлаш бўлимига узатилади. Қуритилган гишт терилган вагонлар итаргичлар ёрдамида тунелли печга узатилади.

Қайта юклаш бўлимида қўшимча вагонлар учун йўллар мавжуд бўлиб, бу вагонларда 3 сменалик қўшимча гишт сақланади. Гиштни пишириш учун узунлиги 120 метр ва уни 3.1 метрли тунелли печ (Гипроситром Киев) ишлатилади. Пишириш муддати 48 соат.

Хумдонда ёқилги сифатида бухоро табиий гази ишлатилади. Пиширилган гиштлар терилган вагонлар электр узатгич тележкалар билан омборга юборилади. Тайёр маҳсулот омборларида гишт терилган вагонлар осма кран ёрдамида тушурилади.

TEKNOLOGIK HISOBLASHLAR

Технологик ҳисоблашлар. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастури.

Ишлаб чиқариш дастурини тузиш учун корхонанинг йиллик, суткалик, сменалик ва соатлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади. Бу кўрсаткичлар корхонанинг йиллик иш вақти ва иш режимига қараб ҳисобланади.

Иш режими маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг ҳар бир босқичида қуйидигича қабул қилинади.

Корхонанинг иш режими

<i>№</i>	<i>Ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари</i>	<i>Кўрсаткичлар</i>			
		<i>1 йилдаги кунлар сони</i>	<i>Сменалар сони</i>	<i>Смедаги соатлар</i>	<i>1 йилдаги соатлар сони</i>
<i>1</i>	<i>Хом ашё омбори</i>	<i>305</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>5680</i>
<i>2</i>	<i>Бош ишлаб чиқариш корпуси. Хом ашёни тайёрлаш, узатиш, қолиплаш бўлимлари</i>	<i>305</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>5680</i>
<i>3</i>	<i>Қуритиш бўлими</i>	<i>365</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>8760</i>
<i>4</i>	<i>Пишириш бўлими</i>	<i>365</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>8760</i>
<i>5</i>	<i>Тайёр маҳсулот омбори</i>	<i>365</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>5840</i>
<i>6</i>	<i>Тамирлаш устохоналари. Ёрдамчи хўжасаликлар</i>	<i>260</i>	<i>1</i>	<i>8</i>	<i>2080</i>
<i>7</i>	<i>Лаборатория</i>	<i>305</i>	<i>2</i>	<i>8</i>	<i>5680</i>

Корхонанинг иш режимини узлуксиз деб қабул қиламиз.

Йилдаги иш кунлари -365 кун

Сменалар сони -3 та

Сменадаги соатлар -8 соат

Ускуналарнинг ишлаш коэффициенти $K_{иш}=0.8$

1. Корхона ишлаб чиқариш дастури

1) Йиллик унумдорлик 10 000 000 дона сопол гишт

2) Кунлик унумдорлик

$$Y_k = Y_{\dot{y}} / I_k * K_y = 10000000 / 365 * 0.8 = 34246 \text{ дона /смена}$$

3) Сменалик унумдорлик

$$Y_{cm} = Y_k / 3 = 34246 / 3 = 11415 \text{ дона/соат}$$

4) Соатлик унумдорлик

$$Y_{soat} = Y_{cm} / 8 = 11415 / 8 = 1427 \text{ дона/соат}$$

Тайёр маҳсулот бўйича корхонанинг иш дастури

№	Маҳсулотнинг номи	Унумдорлик, дона			
		Йиллик	Кунлик	Сменалик	Соатлик
1	Сопол гишт	10 000 000	34246	11415	1427

MATERIAL BALANSLAR
XOM ASHYO SARFINI
HISOBLASH

Пишириш бўлимининг материал баланси

Пишириш жараёнида чиқадиган чиқинди 2 % деб қабул қиламиз. Берилган унумдорликни таъминлаш учун керак бўладиган хом гишт миқдорини аниқлаймиз.

$$1 \text{ йилда } 10\,000\,000 * 1.02 = 10\,200\,000 \text{ дона/йил}$$

$$1 \text{ кунда } 34246 * 1.02 = 34931 \text{ дона/кун}$$

$$1 \text{ сменада } 11415 * 1.02 = 11643 \text{ дона/смена}$$

$$1 \text{ соатда } 1427 * 1.02 = 1455 \text{ дона/соат}$$

Пишириш жараёнини материал баланси қуйидаги жадвал шаклида тузамиз.

Пишириш жараёнини бошида		Пишириш жараёни охирида	
Маҳсулот номи	Миқдори дона/йилиги	Маҳсулот номи	Миқдори дона/йилиги
Хом гишт	10 200 000	Пиширилган гишт	10 000 000
		Чиқинди	200 000
Жами	10 200 000	Жами	10 200 000

Қуритиш бўлимининг унумдорлигини ҳисоблаш

Қуритиш режими қуйидагича қабул қилинган.

$$\text{Иш кунлари } N = 365 \text{ кун}$$

Сменалар сони 3 та, ишлаш вақти 8 соат.

$$\text{Ишлатиш коэффициенти } K_y = 0.95$$

Қуритиш жараёнида чиқадиган чиқиндилар 3 %

Йилдаги иш соатларини ҳисоблаш

$$T_{\text{и}} = N * n * t * K_u = 365 * 3 * 8 * 0.95 = 8322 \text{ соат}$$

Тунелли қуритгичларда қуритиладиган гишт миқдори.

$$1 \text{ йилда } 10\,200\,000 * 1.03 = 10\,506\,000 \text{ дона/йил}$$

$$1 \text{ соатда } 10\,506\,000 / 8322 = 1262 \text{ дона/соат}$$

$$1 \text{ сменада } 1262 * 8 = 10096 \text{ дона/смена}$$

$$1 \text{ кунда } 10096 * 3 = 30288 \text{ дона/кун}$$

Қуритиш бўлимининг материал баланси

<i>Қуритишга берилган маҳсулот</i>		<i>Қуритишдан кейинги маҳсулот</i>	
<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Миқдори дона/йилиги</i>	<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Миқдори дона/йилиги</i>
<i>Қолипланган гишт</i>	<i>10 506 000</i>	<i>Қуритилган гишт</i>	<i>10 200 000</i>
		<i>Чиқинди</i>	<i>306 000</i>
<i>Жами</i>	<i>10 506 000</i>	<i>Жами</i>	<i>10 506 000</i>

Қолиплаш бўлимининг унумдорлигини ҳисоблаш

Қуритиш учун керак бўладиган қолипланган гишт 10 506 000 дона/ йил.

Қолиплаш бўлимининг иш режими

$N=305$ кун, $n=2$ смена, $t=8$ соат, $K_u=0.9$

Йиллик иш вақти

$$T_{\text{й}} = N * n * t * K_u = 305 * 2 * 8 * 0,9 = 4392$$

Қолиплаш жараёнидаги чиқинди миқдори 4,5%. Буни ҳисобга олиб қолиплаш бўлимининг унумдорлигини ҳисоблаймиз.

*1 йилда $10\,506\,000 * 1.045 = 10\,973\,1270$ дона/йил*

1 кунда $25\,251\,171 / 305 = 35978$ дона/кун

1 сменада $35978 / 2 = 17989$ дона/смена

1 соатда $41395 / 8 = 2248$ дона/соат

Қолиплаш бўлимининг материал баланси

<i>№</i>	<i>Материал номи</i>	<i>Унумдорлик, дона</i>			
		<i>Йиллик</i>	<i>Кунлик</i>	<i>Сменалик</i>	<i>Соатлик</i>
<i>1</i>	<i>Сопол гишт</i>	<i>109731270</i>	<i>35978</i>	<i>17989</i>	<i>2248</i>

Хом ашё миқдорини ҳисоблаш

Хом ашё сифатида лёсс тупроқ 90% ва гил тупоқ 10 % қабул қилинган. Йиллик унумдолик 10 000 000 дона гишт 1000 дона гишт учун керак бўладиган хом ашёни ҳисоблаймиз.

1000 дона гиштнинг ҳажми $V=1.95 \text{ м}^3$. Янги қолипланган гиштнинг массаси 4.5 кг, қолиплаш намлиги 19%. 1000 дона гишт учун керак бўладиган хом ашё 4.5 т ёки

$$V=m/P=4.5/1.7= 2.64 \text{ м}^3$$

Ташиш ва майдалаш жараёнларида йўқолишлар 2% на ташиқил қилади.

Буни ҳисобга олганда $V=2.7 \text{ м}^3$

Бундан лёсс миқдори $2.7*0.9=2.43 \text{ м}^3/1000 \text{ дона}$

Гилтупроқ $2.7*0.1=0.27 \text{ м}^3/1000 \text{ дона}$

Йиллик хом ашё сарфи

$$\text{Лёсс } G_{\text{и}}*2,43=25251*2,43=61\ 359 \text{ м}^3$$

$$\text{Гил тупроқ } G_{\text{и}}*0.27=25251*0.27=6\ 817 \text{ м}^3$$

Гў-қуритилган хом гишт миқдори минг дона йилига

1 соатда талаб қилинадиган хом ашё

$$\text{Лёсс } 61\ 359/T_{\text{и}}=61\ 359/4\ 392=13.97 \text{ м}^3$$

$$\text{Гил тупроқ } 6817/T_{\text{и}}=6817/4\ 392=1.55 \text{ м}^3$$

$T_{\text{и}}$ -қолиплаш бўлимнинг ишлаш вақти

1 сменада талаб қилинадиган хом ашё

$$\text{Лёсс } 13.97*8=111.76 \text{ м}^3$$

$$\text{Гил тупроқ } 1.55*8=12.4 \text{ м}^3$$

1 кунда талаб қилинадиган хом ашё

$$\text{Лёсс } 111.76*2=223.5 \text{ м}^3$$

$$\text{Гил тупроқ } 12.4*2=24.8 \text{ м}^3$$

Хом ашёга бўлган талаблар

Хом ашё турлари	Талаб қилинадиган хом ашё миқдори							
	1 йилда		1 кунда		1 сменада		1 соатда	
	T	M ³	T	M ³	T	M ³	T	M ³
1. Лёсс	104310	61359	379.9	223.5	189.9	111.76	23.7	13.97
2. Гил тупроқ	12270	6817	44.64	24.8	22.3	12.4	2.79	1.55

Жами	116580	68176	424.5	248.3	212.2	124.1	26.5	15.52
------	--------	-------	-------	-------	-------	-------	------	-------

Лёсснинг ўртача зичлиги 1.7 т/м^3

Гил тупроқнинг ўртача зичлиги 1.8 т/м^3

Сув миқдорини ҳисоблаш

Сопол буюмлар ишлаб чиқаришда қолиплаш намлиги, хом ашёларнинг табиий намлиги берилган бўлиб шуларга кўра талаб қилинадиган сув миқдори аниқланади.

Сопол массанинг таркиби одатда 2-3 компонентдан иборат бўлади (масалан лёсс, гил тупроқ =90/10). Бу компонентларнинг намликлари хар хил бўлгани учун ўртача намлик аниқланади.

$$W_{yp} = W_1 \% m_1 + W_2 \% m_2 / 100; \%$$

Бунда W_1, W_2 – масса таркибидаги компонентларнинг намлиги. m_1, m_2 – компонентларнинг миқдори % ҳисобида. Қолиплаш намлигининг абсолют қиймати қуйидагича аниқланади.

$$W_{abc} = W_{\kappa} * 100 / 100 - W_{\kappa}; \%$$

Хом ашёларнинг табиий намликларини ҳисобга олган ҳолда қолиплаш намлигини таминлаш учун талаб қилинадиган сув миқдори қуйидагича аниқланади.

$$W = (W_{abc} / 100 - W_{abc}) - (W_{yp} / 100 - W_{yp}) \text{ м}^3 / \text{т}$$

Сопол массани қолиплаш намлиги 19% (нисбий)

Хом ашёнинг табиий намлиги

Лёсс учун: 11%

Гил тупроқ учун: 9 %

Сопол массанинг таркиби

Лёсс -90%

Гил тупроқ 10 %

Массанинг ўртача табиий намлиги

$$W_{yp} = (W_1 \% m_1 + W_2 \% m_2) / 100 = (11 * 90 + 10 * 9) / 100 = 10,8\%$$

Қолиплаш намлигининг абсолют қиймати

$$W_{abc} = W_n * 100 / 100 - W_n = 19 * 100 / (100 - 19) = 23.46\%$$

Хом ашёларнинг табиий намликларини ҳисобга олган ҳолда, қолиплаш намлигини таъминлаш учун талаб қилинадиган сув миқдори

$$W = W_{abc} / (100 - W_{abc}) - W_{yp} / (100 - W_{yp}) = 23.46 / (100 - 23.46) - 10.8 / (100 - 10.8) \\ = 0.31 - 0.12 = 0.19 \text{ м}^3/\text{т}$$

Иссиқ сув миқдорини ҳисоблаш

1000 дона гиштни қиздириш учун керак бўладиган буг миқдори 145 кг. 1 кг буг ҳосил қилиш учун 600-700 гр сув керак бўлади. 1000 дона гишт учун керак бўладиган иссиқ сув миқдорини ҳисоблаймиз.

$$145 * 0.65 = 94.25 \text{ кг}/1000 \text{ дона} = 0,095 \text{ м}^3$$

1 тонна сопол масса учун сарф бўладиган иссиқ сув

$$145 * 0.65 / 4.547 = 20,72 \text{ кг}/1000 \text{ дона} = 0,0207 \text{ м}^3/1000 \text{ дона}$$

Қолиплаш намлиги 19% берилган. Сопол массани тайёрлаш учун талаб қилинадиган сув миқдори прессда иссиқ сув билан намланишини ҳисобга олганда қуйидагича

$$(0.19 - 0.02073) * 4.547 = 0.769 \text{ м}^3/1000 \text{ дона}$$

Шундай қилиб сопол массани тайёрлаш учун сарф бўладиган сув

$$1 \text{ йилда } 25 \ 251 * 0.769 = 19417 \text{ м}^3$$

$$1 \text{ соатда } 19 \ 418 * 4392 = 4,4 \text{ м}^3$$

$$1 \text{ сменада } 4,4 * 8 = 35,2 \text{ м}^3$$

$$1 \text{ кунда } 35,2 * 2 = 70,4 \text{ м}^3$$

ISSIQLIK BALANSLARI

Иссиқлик баланслари. Ёқилғи сарини ҳисоблаймиз.

Хом ашё таркибида Al_2O_3 миқдори:

Лёсс 14,545%

Гил тупроқ 7.12 %

(CaO+MgO) миқдори

Лёсс $12.00+3.85=15.85\%$

Гил тупроқ $2.79+0.41=3.20\%$

Қолиплаш намлиги 19% - W_6

Қуритишдан кейинги намлик 4 % - W_{ox}

Ёқилғи табиий $Q=8140$ ккал

КПЙ (куйдирини пайтидаги йўқолиши)

Лёсс 14.62%

Гил тупроқ 9.16%

Гиштнинг абсолют қолиплаш намлиги

$$W_{abc} = W_{ii} * 100 / (100 - W_6) = 19 * 100 / (100 - 19) = 23.46\%$$

Гиштни қуритгандан кейинги абсолют намлиги.

$$W_{abc} = 4 * 100 / (100 - 4) = 4.16\%$$

Гиштни қуритиши жараёнида ажраладиган намлик миқдори

$$n = q_1 * (W_6 - W_{ox}) / 100 = 3.57 * (23.46 - 4.16) / 100 = 0.689 \text{ кг/1000дона}$$

q_1 - абсолют қуруқ гиштнинг оғирлиги, кг.

Пиширилган гиштнинг оғирлиги (куйдирини жараёнидаги йўқолишни КПЙ ҳисобга олганда)

$$G_2 = 3.57 * (100 - 90 * 0.1462 + 10 * 0.0916) / 100 = 3.57 * (100 - 13.436) / 100 = 3.09 \text{ т/1000дона}$$

1) Пишириши учун сарф бўладиган керакли ёқилғи.

$$Q_1 = 70 * 3.09 = 216.3 \text{ кг/1000 дона}$$

2) Al_2O_3 миқдорини кўплиги сабабли сарф бўладиган қўшимча шартли ёқилғи

$$Q_2 = ((14.54 * 0.9 + 7.12 * 0.1) - 12) * 3.09 = ((12.9 + 0.712) - 12) * 3.09 = (13.61 - 12) * 3.09 = 4.98 \text{ кг шартли ёқилғи/1000 дона}$$

3) $(CaO+MgO)$ миқдорини кўплиги сабабли сарф бўладиган қўшимча ёқилги.

$$Q_3 = ((15.85 * 0.9 + 3.2 * 0.1) - 4) * 3.09 = (14.265 + 0.32 - 4) * 3.09 \approx 32.71 \text{ кг/1000 дона}$$

Пишириш учун сарф бўладиган жами иссиқлик

$$Q_{ум} = Q_1 + Q_2 + Q_3 = 216.3 + 4.98 + 32.71 = 254 \text{ кг/1000 дона}$$

1) Хумдоннинг совутиши зонасидан қуритгичларга юбориладиган иссиқлик миқдори.

$Q_1^1 = 20$ кг шартли ёқилги $* 6 * 0.9$, бундан 20 кг шартли ёқилги печдан олинадиган иссиқ ҳавонинг иссиқлик миқдори.

$G = 1000$ дона гиштнинг оғирлиги

0.9 иссиқликни атроф муҳитга йўқолишини ҳисобга оладиган коэффициент

$$Q_1^1 = 20 * 3.09 * 0.9 \approx 55.62 \text{ кг шарт ёқилги/1000 дона}$$

2) Қиздириш зонасидан олинадиган иссиқлик миқдори Q_2^1

$$Q_2^1 = 12 * G * 0.9 \approx 12 * 3.09 * 0.9 = 33.37 \text{ кг/1000 дона}$$

12-қиздириш зонасидан олинадиган ҳавонинг иссиқлик миқдори

3) Гиштни тунелли қуритгичга қуритиш учун сарф бўладиган шартли ёқилги

$$Q_3^1 = H * n * 1000 / 7000$$

Бунда H тунелли қуритгичга намликни буғлаши учун сарф бўладиган иссиқлик миқдори $H = 1300$ ккал/кг (норматига кўра).

n - ажраладиган намлик миқдори кг/1000 дона

$$Q_3^1 = 1300 * 0.689 * 1000 / 7000 \approx 127.96 \text{ кг шартли ёқилги/1000 дона}$$

4) Печлардан олинадиган иссиқлик миқдорини ҳисобланган ҳолда қуритиш учун сарф бўладиган шартли ёқилги.

$$127.96 - 55.62 - 33.37 = 38.97 \text{ кг/1000 дона}$$

5) Гиштни қуритиш ва пишириш учун сарф бўладиган шартли ёқилги.

$$Q = Q_k + Q_n$$

$$Q = 254 + 38.97 = 293 \text{ кг шартли ёқилги/1000 дона}$$

6) Гиштни қуритиш ва пишириш учун керакли бўладиган табиий газ сарфи.

$$Q_{ум} = 293 * 7000 / 81400 = 252 \text{ Н*м}^3 / 1000 \text{ дона}$$

Бунда $Q = 8140$ ккал/Н*м³ - газнинг иссиқлик бериш қобилияти

а) Пишириш учун

$$Q_{пиш} = 254 * 7000 / 8140 = 218.5 \text{ N} * \text{м}^3 / 1000 \text{ дона}$$

б) Қуритиш учун

$$Q_{кур} = 38.97 * 7000 / 8140 \text{ N} * \text{м}^3 / 1000 \text{ дона}$$

Иссиқлик мувозанати жадавали

<i>Қуритиладиган иссиқлик</i>	<i>Миқдори кг ёқилги 1000дона</i>	<i>Сарфланган иссиқлик</i>	<i>Миқдори кг ёқилги 1000дона</i>
<i>1.Пишириш учун сарф бўладиган шартли ёқилги</i>	<i>216.3</i>	<i>1, Совутиш зонасидан қуритгичларга юбориладиган иссиқлик</i>	<i>55.62</i>
<i>2.Аl₂О₃ миқдори кўпинча сарф бўладиган Q₂</i>	<i>4.98</i>	<i>2. Қиздириш зонасидан олинадиган иссиқлик</i>	<i>33.37</i>
<i>3.(СаО+MgO) миқдори кўплигига сарф бўладиган Q₃</i>	<i>32.71</i>	<i>3. Тунелли қуритгичда гишитни қуритиш учун сарф бўладиган шартли ёқилги</i>	<i>127</i>
		<i>4. Печдан олинадиган иссиқлик миқдоридан ташқари қуритиш учун сарф бўладиган шартли ёқилги</i>	<i>38</i>
<i>Жами</i>	<i>254</i>	<i>Жами</i>	<i>254</i>

***ASOSIY VA YORDAMCHI
APPARATLARNI
HISOBLASH VA
TANLASH***

Қуритгичларни ҳисоблаш

Ғиштни қуритиши тунелли қуритгичларда олиб борилади.

Унинг ўлчамлари узунлиги – 38.2 м

Эни -1.20 м

Баландлиги – 1.70 м

Қуритиши учун вагонлар танланди булар СМК - 110

Вагонлар узунлиги 1.3 м

Рейканинг узунлиги 1.10 м

1 та тунелдаги вагонлар сони

$$38.2/1.3=23.4\approx 24 \text{ та}$$

1 та вагондаги ғиштлар сони

$$24*12=288 \text{ та}$$

24-вагондаги рейкалар сони

12-рейкадаги ғиштлар сони

1 та тунелдаги вагонларда қуритиладиган ғишт сони

$$288*29=8352 \text{ та}$$

Тунелнинг йил давомидаги ишлаш вақти

$$365*24*095=8322 \text{ соат}$$

0,95 ишлатиш коэффициенти

Тунелнинг йиллик унумдорлиги

$$V_{\text{й}}=8352*8322/36=1\,930\,704 \text{ дона/йилига}$$

36- ғиштни қуритиши муддати

Берилган унумдорликни тامينлаш учун керак бўладиган тунеллар сони

$$n=23460000*1.03/1930704=12.5 \approx 13 \text{ та}$$

23460 000 қуритиши бўлимининг унумдорлиги

Тунеллар сони 12 та қабул қиламиз. Бош корпус билан қуритгичлар орасидаги кенглиги 9.0м бўлган коридор қўйилган. Коридор вагонлар учун 6 та йўл жойлаштирилган, бу йўлларда жойлаштирилган вагонлар сони.

$$6*29=174 \text{ та}$$

Вагонлардаги ғиштлар сони

$$174*288=50112 \text{ та}$$

Бу 3 сменалик запасни ташиқил қилади.

$$50112/23224=2.15\approx 3 \text{ смена}$$

23224 қуритиш бўлимининг сменалик унумдорлиги

Пишириш хумдонини ҳисоблаш

Ғиштларни пишириш учун тунелли печ қабул қиламиз.

Печнинг узунлиги – 120 м

Эни - 3 м

Баландлиги -1.7 м

Вагонларнинг ўлчамлари 3х3 м

Печдаги вагонлар сони 40 та

Вагонларга жойлаштириладиган ғиштлар сони 2704

Пишириш муддати 48 соат. Тайёр маҳсулот бўйича печнинг йиллик унумдорлиги

$$Уй=365*0.95*0.98*24*2704*40/48=18\ 377\ 195 \text{ дона/йилига}$$

Бунда 365 иш кунлари

0,95 - печнинг ишлаш коэффициенти

0,98 – пишириш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди ҳисобга олган коэффициенти.

1 та хумдон қабул қиламиз у унумдорликни запас билан тامينлайди.

Асосий ва ёрдамчи аппаратларни танлаш ва ҳисоблаш

Технологик тизимга кўра асосий аппаратларни танлаймиз ва ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўлимини унумдорлигини ҳисоблаш йўли билан қуйидагича аниқланади.

$$У_x=У_n*K_{mi}*K_m$$

У_x- ҳисобланган унумдорлик м3/соат, т/соат, дона/соат

$$K_{mi}=K_1+K_2$$

K₁=0.97 – ускуналар 2 сменада ишлаганда

K₂=0.93 – ускуналар 305 кун ишласа

K_m- ускуналарни тайёргарлик коэффициенти (иловадан олинади)

Технологик тизимнинг ҳар бир бўлими ва ускунаси учун ҳисобланган унумдорликлар аниқлаб, натижаси жадвалга ёзилади.

Пресслар сонини аниқлаймиз

Ғиштларни қолиплаш учун пресс танлаймиз, маркаси СМК-325 паспортга мувофиқ унумдорлиги.

$$U_{насп} = 8000 \text{ дона/соат}$$

Прессларни сони қуйидагича аниқланади:

$$n = U_{соат} / U_{насп} * K_y * K_m$$

бунда $U_{соат}$ – қолиплаш бўлимининг соатлик унумдорлиги

$$U_{соат} = 5174 \text{ дона/соат}$$

$U_{насп}$ - ускунанинг паспортга мувофиқи унумдорлиги

K_y – ускунанинг ишлатилиш коэффициенти

$$K_y = 0,93$$

K_m - тайёрлаш бўлимининг ҳаракатини характерлайдиган коэффициент.

$$K_m = 0.87$$

$$n = 5174 / 8000 * 0.93 * 0.87 = 0.8$$

